

**“БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ  
ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Қорақалпоғистон Республикаси,  
Беруний тумани, Кат кўча р/уй.

2024 йил 10-сентябр

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўча р/уй, “Беруний пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар овозларнинг умумий сони – 579 706 дона.

“Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 19 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 4 сентябрь.

Жамият кузатув кенгаши раиси В.Умарова йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Е.Кунназаров – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси, кузатув кенгаши раиси;

2. В.Умарова – кузатув кенгаши раиси;

3. А.Аллабергенов – жамият акциядори;

Йиғилиш котиби этиб, жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Б.Тажимов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи В.Умарова очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ф.Султановга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2024 йил 4 сентябр ҳолатига шакллантирилган “Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1167 та акциядорга тегишли 579 706 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 311 154 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 нафар акциядор (унинг вакилари) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 53,67 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Махмудов Алишер – жамият бош директори;

Реймов Зафар Эрназарович – бош ҳисобчи;

Йиғилишда раислик қилувчи Умарова Венера Анесовна йиғилиш кун тартибини эълон қилди.



## КУНТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103 сон “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси тўғрисида.
- Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи В.Умарова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024-йил 19-августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига З.Реимов-жамиятнинг бош ҳисобчиси, Ф.Султанов-жамият юрист маслаҳатчиси, Б.Тажимов-жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис номзодлари киритилган.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 311 154 та овоз билан 100 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ;

Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1). Б.Тажимов;
- 2). Ф.Султанов;
- 3). З.Реимов.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** Йиғилишда раислик қилувчи В.Умарова ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича қуйидагиларни маълум қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида куйидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкый мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга кўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шarti билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18-мартдаги 230-сон қарорига асосан “Беруний пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли “Бийбазар”, “Ахунбабаев” ва “Қизилқалъа” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари “BERUNIY CLUSTER” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шarti билан 2020

йил 30 октябрда тузилган 40-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда 25 922,9 млн. сўмга (ҚҚС билан) сотилган.

“BERUNIY CLUSTER” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил ҳолатига 17 229,8 млн. сўм ёки 66 фоизи тўланган, қарздорлик 8 693,2 млн. сўмни, жумладан муддати ўтган қарздорлик 3 940,6 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Фармон талабларига кўра, “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан “Беруний пахта тозалаш” АЖга куйидагича мурожаат қилинган:

- 2024 йил 19 августдаги 90/1-сонли мурожаатида “Беруний пахта тозалаш” АЖ нинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ билан 2020 йил 30 октябрда тузилган 40-сонли олди-сотди шартномасида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтиришни;

- 2024 йил 7 сентябрдаги 100-сонли мурожаатида “Пахта 2024” йил ҳосилини йиғим-терими учун “Агробанк” АТБнинг Беруний филиалидан олинаётган кредит учун “Беруний пахта тозалаш” АЖга қарашли мол-мулк ва асбоб-ускуналарни гаров сифатида қуйилишига рухсат сўраган.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи В.Умарова ўз сўзида, жамият мулкый мажмуасини сотиб олган “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ корхонаси бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 66 фоиз қисмини тўланганлиги сабабли Фармонда белгиланган шартлар асосида “Беруний пахта



тозалаш" АЖ ва унга қаршли пахта қабул қилиш масканларини жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат беришни ҳамда мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга яъни 2026 йилнинг 31 июлгача узайтиришни ва ҳар ойи тенг миқдорларда тўланишини таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 311 154 та овоз билан 100 %;

"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги "Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-мольнявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-103-сон Фармониининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. "Беруний пахта тозалаш" АЖ бош директори (А.Махмудов):

а)"BERUNIY CLUSTER" МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартномасида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш ва қолган қарздорликни ойма-ой тенг миқдорда амалга оширишини белгиловчи тўлов графигини тасдиқлаш бўйича қўшимча келишув тузин;

б)"BERUNIY CLUSTER" МЧЖга бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 66 фоизи тўланган "Беруний пахта тозалаш" АЖга қаршли завод ва "Бийбазар", "Ахунбабаев" ва "Қизилқалъа" пахта қабул қилиш масканларини жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат берилсин. Буида:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шarti билан амалга оширилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи В.Умарова акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.



Йиғилиш раиси: / В. Умарова / В.Умарова

Йиғилиш котиби: / Б. Тажимов / Б. Тажимов

Йиғилиш баённомаси 2024 йил \_\_\_ сентябр куни икки нусхада тузилди.